

УДК 612.06.612.512

**БОШ МИЯ ЎНГ ВА ЧАП ЯРИМШАРЛАРИГА ИШЕМИК ИНСУЛЬТ ЎТКАЗГАН ЭРКАК
ВА АЁЛ БЕМОРЛАРИДА ЛАБОРАТОРИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИ**

Ruziev Sh.C.

Бухоро давлат тиббиёт институти

✓ *Резюме*

Мазкур ишида шикастланиш ўчогининг жойлашуви ва жинсга бөглиқ равишда мия ишемик инсултларида лаборатория қўрсаткичларининг гендер ўзига хос хусусиятларининг таҳлили тақдим қилинган. Коннинг биохимёвий таҳлилини натижалари бўйича, чап мия ярим шари ишемик инсултида умуман, ва айниқса аёл жинсли шахсларда липид спектрининг ишончли юқори қўрсаткичлари, глюкозанинг юқори дарајаси, КФК(креатинфосфокиназа), дарајаси, қонда карбамид дарајасининг ортиши аниқланди, эркак жинсли беморларда қон зардобида биохимёвий қўрсаткичларнинг мевёрдан оғизи гурӯҳлар бўйича умумий қийматдан кичик бўлди. Шунингдек коагулограммалар таҳлил қилинганида гемостаз тизимида нотургунлик белгилари қайд этилди, улар айниқса чап мия ярим шари ишемик инсултига эга аёл жинсли беморларда гиперкоагуляциядан дарак беради.

Калим сўзлари: инсульт, юрак-томир тизими, артериал гипертензия, атеросклероз.

**ЛАБОРАТОРНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ У ПАЦИЕНТОВ-МУЖЧИН И ЖЕНЩИН,
ПЕРЕНОСНЫХ ИШЕМИЧЕСКИМ ИНСУЛЬТОМ ПРАВОЙ И ЛЕВОЙ ПОЛОВИНЫ
МОЗГА**

Ruziev Sh.C.

Бухарский государственный медицинский институт

✓ *Резюме*

В данной статье представлен анализ гендерных характеристик лабораторных показателей при церебральном ишемическом инсульте в зависимости от локализации поражения и пола. По результатам биохимического анализа крови при ишемическом инсульте левого полушария в целом и особенно у женщин достоверно высокий уровень липидного спектра, высокий уровень глюкозы, КФК (креатинфосфокиназа), повышенный уровень мочевины в крови, уровень биохимических показателей в крови, в сыворотке крови пациентов мужского пола отклонение было меньше общего значения по группам. Анализ коагулограмм также выявил признаки нестабильности системы гемостаза, свидетельствующие о гиперкоагуляции, особенно у пациенток с ишемическим инсультом левого полушария.

Ключевые слова: инсульт, сердечно-сосудистая система, артериальная гипертензия, атеросклероз.

**LABORATORY STUDIES IN MALE AND FEMALE PATIENTS WHO HAVE ISCHEMIC
STROKE TO THE RIGHT AND LEFT HEMICS OF THE BRAIN**

Ruziyev Sh.S.

Bukhara State Medical Institute

✓ *Resume*

This paper presents an analysis of the gender-specific characteristics of laboratory parameters in cerebral ischemic strokes depending on the location of the lesion and the sex. According to the results of biochemical analysis of blood in the left hemisphere ischemic stroke in general, and especially in women, reliable high levels of lipid spectrum, high glucose, CPK (creatine phosphokinase), increased blood urea levels, the level of biochemical parameters in serum in male patients the deviation was smaller than the total value across the groups. Analysis of coagulograms also showed signs of instability in the hemostasis system, indicating hypercoagulability, especially in female patients with ischemic stroke of the left hemisphere.

Keywords: stroke, cardiovascular system, arterial hypertension, atherosclerosis.

Долзарбилиги

Ишемик мия инсультининг (ИИ) клиник ва ижтимоий аҳамияти унинг аҳолининг касалланиши ва летал ҳолатлар тузилишида катта хиссаси билан аниқланади [1,3].

Ишемик инсульт юрак-томир тизимидағи касалліктерден кейин ўлим сабаблари орасыда иккінчи ўринни эгаллады. Ўзбекистонда ўлим ҳолаттарининг ўртacha кўрсаткичлари Европа мамлакатларидаги шу кўрсаткичлардан бир неча марта юқори ва 100 минг аҳолига 280 нафар инсонга етади, ҳар йили ярим миллион инсон инсультни бошидан кечиради, шу билан бирга 30-кунлик ўлим 35% ни ташкил қиласи, 50% атрофида беморлар биринчи йил ичиди ИИ (ишемик инсульт) асосатларидан ўлади [2].

Кўплаб муаллифларнинг маълумотларига кўра ишемик инсультга эга bemorларнинг ёшариш тенденсияси кузатилмоқда. ИИ ҳолаттарининг тобора кўп қисми меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларга тўғри келмоқда, бунга атеросклероз, артериал гипертензия, қандли диабет каби коморбид касалліктер сабаб бўлмоқда [4,5].

Шунингдек bemorнинг ёши, жинси ва шикастланиш жойига боғлиқ равишда аниқ генезли ИИ асосий турларининг частотаси билан боғлиқ масалалар қизиқиш уйғотади. Бу ушбу фарқлар асосида ётувчи омилларни аниқлаш ва ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради [6].

Шу сабабдан **ишиимизнинг илмий мақсади** аниқланди – шикастланиш ўчогининг латерализациясини, шунингдек уларнинг жинсга боғлиқлигини эътиборга олиб церебрал ишемик инсультда Лаборатория тадқиқотларининг маълумотларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари

Иш Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология ва клиник лаборатория бўлими базасида бажарилган. Беморлар 5 йил давомида танлаб олинди. Танлов мезони ишемик мия инсультига эга bemorлар бўлди. Истисно қилиш мезонлари: онкологик ва гематологик касаллік, оғир буйрак, жигар этишмовчилиги.

Мазкур тадқиқот асосида 45 ёшдан 74 ёшгача бўлган (ўртacha ёш $64,8\pm9,3$) ишемик инсультга (ИИ) эга 145 нафар bemorни лаборатор текшириш натижаларининг таҳлили ётади.

Bemorларнинг умумий таркибида 60 ёшдан 74 ёшгача бўлган шахслар кўпроқ бўлганлигини айтиб ўтиш зарур. Bu bemorларнинг хиссаси 84,1% ни ташкил этди. Мазкур тенденсия иккала жинс вакиллари учун хос. 60 дан 74 ёшгача бўлган ёш тоифасида эркакларга нисбатан аёл жинсли шахсларнинг кичик устунлиги қайд этилди – мос равища 43,4% га қарши 56,6% (1-жадвал).

Ўрганилаётганлар ичиди, 45 ёшдан 59 ёшгача бўлган шахслар 15,9% ни ташкил этди. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, ёш гурухлари бўйича эркаклар ва аёлларнинг тақсимланишида статистик аҳамиятга эга фарқлар кузатилди ($p<0,001$), бу ёш bemorлар орасида эркакларнинг устунлиги билан боғлиқ бўлди. Шундай қилиб, 60 ёшли шахслар орасида эркак жинсли bemorларнинг хиссаси 73,9% ни, бу ёш тоифасида аёлларнинг шу кўрсаткичи фақат 26,1% ни ташкил қилди.

1-жадвал.

Беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Ишемик инсульт	n	%
жами	145	
Эркаклар	70	48,3%
Аёллар	75	51,7%
45-59 ёш	n	%
жами (15,9%)	23	
Эркаклар	17	73,9%
Аёллар	6	26,1%
60-74 ёш	n	%
жами (84,1%)	122	100
Эркаклар	53	43,4%
Аёллар	69	56,6%

Эслатма: * фарқлар ишончлилиги $p < 0,001$

63 нафар (43,3%) беморда инсультнинг этиологик омиллари гипертония касаллиги, 30 нафар (20,7%) беморда – атеросклероз, 52 нафар (35,9%) беморда – гипертония касаллигининг атеросклероз билан уйғунлиги бўлди.

Лаборатория кўрсаткичлари (липид спектри, коагулограмма, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари) яримшар ўчоқнинг латерализацияси ва жинсга боғлик равища ўрганилди.

Натижга таҳлиллар

Ўнг ва Чап ярим шарларда эркак ва аёлларда ишемик инсульт ўтказган

беморларнинг липид профил маълумотлари 2-жадвалда келтирилган, бу кўрсаткичлар бўйича гендер фарқлар эса 3-жадвалда таҳлил қилинган. Ўнг ва Чап ярим шарларга эга аёлларнинг кўрсаткичлари ўртасида АИ (атерогенлик индекси) ва ЮЗЛП(Юқори зичликдаги липопротидлар, бўйича статистик аҳамиятли фарқ қайд этилди.

I гурӯх ва II гурӯхларда ёғ алмашинувининг кўрсаткичлари ўрганилди ва кичик гурӯхларда ишончли фарқлар қайд этилмади (3-жадвал). Қоннинг биокимёвий таҳлил натижалари кўп кўрсаткичлар бўйича гурӯхлар ўртасида фарққа эга бўлмади.

2-жадвал.

Ўнг ярим шарга ишемик инсульт ўтказган bemorlarning lipid spektri

Гурӯхлар	Холестерин, ммоль/л	ЛПВП, ммоль/л	ЛПНП, ммоль/л	АИ атерогенлик индекси
I гурӯх	5,37 ± 1,34	0,95 ± 0,32	3,35 ± 0,13	5,22 ± 2,64
	5,64 ± 1,5	0,99 ± 0,25	3,09 ± 0,62	4,97 ± 0,6
P	>0,05	>0,05	>0,05	>0,05

Шундай қилиб, гипергликемия иккала гурӯх bemorlariда ҳам аникланди, айниқса аёлларда глюкоза даражаси юқори бўлди (I-гурӯхда – 6,5 ммоль/л ва II-гурӯхда 7,3

ммоль/л). Ушбу таҳлил барча bemorlarда келиб тушган кун, яъни инсультнинг энг кучайган даврида ўтказилди.

3-жадвал. Жинсга боғлик равища ўнг ярим шарга ишемик инсульт ўтказган bemorlarning lipid spektrining

кўрсаткичлари

Гурӯхлар	жинс	Холестерин , ммоль/л	ЛПВП, ммоль/л	ЛПНП, ммоль/л	АИ атерогенлик индекси
I гурӯх	эрк	5,37 ± 1,34	0,95 ± 0,32	3,35 ± 0,13	5,22 ± 2,1
	аёл	5,2 ± 1,5	0,96 ± 0,4	3,26 ± 0,29	4,75 ± 1,2
II гурӯх	эрк	5,4 ± 0,9	0,9 ± 0,29	3,25 ± 0,56	4,97 ± 0,6
	аёл	5,2 ± 0,7	0,88 ± 0,3	3,44 ± 0,77	5,98 ± 2,7

II-гурӯхда КФК (креатинфосфокиназа) (121,7 ± 21,7 бирл./л) ва ЛДГ (лактатдегидрогеназа) (484,8 ± 88,0 бирл./л) даражаси юқори бўлди, улар тўқима

некрозининг ихтисослашмаган реакциясидан дарак беради, бу оғирроқ инсультда ўринли бўлиши мумкин. Чап мия ярим шар ишемик инсультига эга bemorlarning қонида

карбамиднинг юқори даражаси буйрак буйракларда унинг филтрацияси тўқимаси гипоперфузияси ва марказий камайишидан дарак беради (4-жадвалга гемодинамикасининг бузилиши натижасида қаранг).

4-жадвал.

Чап мия ярим шар ишемик инсультига эга беморларда қоннинг биокимёвий тахлилиниң натижалари

Кўрсаткичлар	I-гурӯҳ		
	Эркаклар (n = 37)	Аёллар (n = 34)	Барчаси(n = 71)
	2	1	3
Глюкоза	6,2 ± 19	6,5 ± 4,8	8,0 ± 3,3
Калий	4,4 ± 0,52	4,23 ± 0,38	4,34 ± 0,48
Натрий	139,7 ± 5,2	137,4 ± 6,7	138,9 ± 5,7
Хлоридлар	107,4 ± 3,2	103,9 ± 7,5	106,6 ± 3,56
Креатинин	108,7 ± 16,9	87,1 ± 14,9	101,7 ± 19,1
Карбамид	6,9 ± 2,6	6,0 ± 2,6	6,7 ± 2,6
АСТ	26,5 ± 11,4	29,1 ± 10,6	27,4 ± 11,0
АЛТ	20,1 ± 8,9	27,05 ± 15,6	22,5 ± 11,9
КФК	116,3 ± 31,8	107,1 ± 38,7	110,7 ± 55,8
ЛДГ	396,2 ± 67,8	427,7 ± 75,9	416,5 ± 96,5
<hr/>			
Кўрсаткичлар	II-гурӯҳ		
	Эркаклар (n = 38)	Аёллар (n = 36)	Барчаси(n = 74)
	4	5	6
Глюкоза	6,9 ± 2,2	7,32 ± 3,6	7,5 ± 3,6
Калий	4,3 ± 0,7	4,2 ± 0,8	4,2 ± 0,7
Натрий	138,9 ± 3,8	138,3 ± 6,2	138,8 ± 5,3
Хлоридлар	109,9 ± 8,1	101,93 ± 9,9	112,93 ± 8,1
Креатинин	104,46 ± 22,9	105,6 ± 36,5	104,1 ± 30,1
Карбамид	7,3 ± 3,3	10,9 ± 7,6*(4)	10,1 ± 7,2*(6)
АСТ	38,4 ± 15,7*(5)	34,1 ± 7,4	36,3 ± 2,7*(6)
АЛТ	28,2 ± 3,8*(5)	29,6 ± 6,2	30,7 ± 21,8
КФК	115,4 ± 13,4*(5)	125,6 ± 60,9*(4)	121,7 ± 21,7*(6)
ЛДГ	453,0 ± 48,8*(5)	510,8 ± 35,9*(4)	484,8 ± 88,0*(6)

Эслатма. Фарқларнинг статистик аҳамияти: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$; қавсларда тақъослананаётган устун рақами кўрсатилган.

Эркаклар ва аёллар ўртасида қоннинг биокимёвий таҳлилиниң натижаларини таққослаш натижасида, Ўнг мия ярим шари ишемик инсультига эга аёл жинсли беморларда гиперферментемиянинг, айниқса Чап мия ярим шар ишемик инсультига эга аёллар билан таққослаганда энг ёрқин белгилари қайд этилди (4-жадвал). Эркак жинсли беморларда қон зардоби биокимёвий кўрсаткичларининг меъёрдан огиши бутун гурухдагига қараганда сезиларли даражада кам бўлди.

Шундай қилиб, қоннинг биокимёвий таҳлили натижалари бўйича Чап мия ярим шар ишемик инсультига умуман ва айниқса аёл жинсли шахсларда липид спектрининг ишончли юқори кўрсаткичлари, глюкоза, КФК (креатинфосфокиназа), қонда карбамиднинг юқори даражаси аниқланди, эркак жинсли беморларда қон зардоби биокимёвий кўрсаткичларининг меъёрдан огиши бутун гурухга қараганда сезиларли даражада кам бўлди.

Гемостаз тадқиқот натижалари таққосланганида кўплаб параметрлар бўйича гурухлар ўртасида ишончли фарқ кузатилмади

(5-жадвал). 4-жадвалда иккала гурухда қон ивишини фаоллаштириш учун хос бўлган юқори эрувчан фибрин-мономер комплекслар аникланганлиги кўрсатилган (ЭФМК, меъёр – 4 мг/100 мл гача). Бу томир ичида тромб хосил бўлишининг юқори хавфидан дарак беради. Шу билан бирга I ва II-гурух bemорларида тромбин вақти ($19,05 \pm 6,1$ и $20,5 \pm 11,9$) ва мос равишида II-гурухда қоннинг ивиш вақти бирмунча юқори бўлди ($p < 0,05$).

Фибриноген даражаси II-гурух аёлларида бирмунча юқори бўлди ($5,1 \pm 1,5$ г/л), улардан 7 нафар (16,7%) аёлда фибриноген даражаси 5,0 г/л дан юқори бўлди.

Шундай қилиб, коагулограмма натижаларининг таҳлилида гемостаз тизимида нотурғунлик белгилари белгиланди, улар, айниқса Чап мия ярим шар ишемик инсультига эга аёл жинсли беморларда кўпроқ гиперкоагуляциядан дарак беради.

I-гурухда эркаклар кичик гурухи ва аёллар кичик гурухда АЧТВ кўрсаткичи (мос равишида $24,8 \pm 4,4$ ва $25,7 \pm 6,9$) II-гурухда шу кўрсаткичлардан (мос равишида $32,2 \pm 9,1$ ва $29,2 \pm 2,1$) фарқ қилди, эркак жинсли шахсларда фарқ ишончли бўлди.

5-жадвал.

Ўнг мия ярим шари ишемик инсультига эга bemорларнинг коагулограммаси

		I-гурух	
Кўрсаткичлар	Эркаклар (n = 37)	Аёллар (n = 34)	Барчаси(n = 71)
	2	1	3
Ивишвақти	$11,9 \pm 5,2^*(4)$	$9,1 \pm 2,8^*(5)$	$10,0 \pm 2,5$
МНО	$1,35 \pm 0,34$	$1,2 \pm 0,2$	$1,17 \pm 0,26$
Фибриноген	$4,13 \pm 1,06^*(5=4)$	$5,1 \pm 1,5^*(5)$	$3,9 \pm 1,3$
Протромбин индекс	$77,7 \pm 15,1$	$84,3 \pm 14,3$	$88,9 \pm 13,7$
АЧТВ	$29,2 \pm 2,1^*(4)$	$32,2 \pm 9,1^*(5)$	$25,7 \pm 4,1$
РФМК	$16,9 \pm 8,8$	$16,9 \pm 6,8$	$16,7 \pm 2,6$
Тромб вақти	$17,4 \pm 1,8$	$20,5 \pm 7,2$	$20,5 \pm 11,9$
Гематокрит	$42,2 \pm 6,9$	$43,7 \pm 7,4$	$43,7 \pm 6,4$

		II-гурұх	
Күрсаткичлар	Эркаклар(n = 38)	Аёллар(n = 36)	Барчаси(n = 74)
	4	5	6
Ивишвақти	$7,2 \pm 1,9$	$6,7 \pm 0,8$	$11,3 \pm 5,2$
MHO	$1,19 \pm 0,3$	$1,15 \pm 0,1$	$1,28 \pm 0,3$
Фибриноген	$2,7 \pm 1,2$	$3,4 \pm 1,7$	$4,6 \pm 1,2$
Протромбин индекс	$84,4 \pm 12,2$	$86,9 \pm 7,5$	$81,3 \pm 14,7$
AЧТВ	$25,7 \pm 6,9$	$24,8 \pm 4,4$	$32,2 \pm 9,1^* (3)$
РФМК	$16,9 \pm 2,6$	$16,0 \pm 2,1$	$17,1 \pm 7,1$
Тромб вақти	$20,1 \pm 8,9$	$20,1 \pm 5,6$	$19,05 \pm 6,1$
Гематокрит	$41,1 \pm 7,5$	$45,1 \pm 5,3$	$42,7 \pm 6,6$

Шунингдек иккала гурұхдаги аёлларда гематокрит күрсаткичи бироз юқори бўлди – мос равища I ва II-гурұх беморларида $45,1 \pm 5,3$ ва $43,7 \pm 7,4$, мос равища I ва II-гурұх эркак беморларида $41,1 \pm 7,5$ ва $42,2 \pm 6,9$.

II-гурұхнинг эркаклар кичик гурұхида протромбин индекс (ПТИ) пастроқ, $77,7 \pm 15,1$ % бўлди, I-гурұхдаги аёллар кичик гурұхи ($84,4 \pm 12,2$) билан, шунингдек II-гурұх аёллар кичик гурұхи ($84,3 \pm 14,3\%$; $p < 0,2$) билан ҳам ишончли фарқ белгиланмади (5-жадвал).

Хуносалар

Қоннинг биокимёвий таҳлил натижалари бўйича чап мия ярим шари ишемик инсультига умуман, ва айниқса аёл жинсли аёлларда липид спектрининг ишончли юқори күрсаткичлари, глюкоза, КФК (креатинкиназа), конда карбамидинг юқори даражаси аниқланди, эркак жинсли беморларда қон зардоби биокимёвий күрсаткичларнинг меъёрдан оғиши бутун гурұхга қараганда сезиларли даражада кам бўлди. Шунингдек гоагулограммалар таҳлилида гемостаз тизимида нотурғунлик белгилари қайд этилди, бу, айниқса чап мия ярим шари ишемик инсультигаэга аёл беморларда гиперкоагуляциядан дарак беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мухаметзянов А.М., Ижбульдина Г.И., Усманов З.Н. Клинико-статистическая характеристика больных с острым нарушением мозгового кровообращения // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 1-1. – С. 115-119;
2. Скворцова В. И., Евзельман М. А. Ишемический инсульт. Орел; 2006.
3. Шахпаронова, Н. В. Постинсультные нарушения высших функций: феноменология, прогноз, реабилитация: //Автореф. ... д-ра мед.наук / Шахпаронова Н. В. – М., 2011. – С. 34
4. Korhonena P.E., Kivela S-L. Kautiainene H. et al. Health-related quality of life and awareness of hypertension. //J.Hypertens. 2011. Vol.29. P.2070-2074.
5. Struijs J.N., van Genugten M.L. et al. Modeling the Future Burden of Stroke in the Netherlands Impact of Aging, Smoking, and Hypertension. Stroke. 2005. Vol.36. P1648- 1655.
6. Wadley V.G., McClure L.A., Howard, V.J. Cognitive Status, Stroke Symptom Reports, and Modifiable Risk Factors Among Individuals With No Diagnosis of Stroke or Transient Ischemic Attack in the REasons for Geographic and Racial Differences in Stroke (REGARDS) Study. Stroke. 2007. Vol.38. P.1143-1147.

Келиб тушган вақти 09.08.2021